

# PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

**maxsus son**  
(2019-yil)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2019

## PEDAGOGIK MAHORAT

### Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika va psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriv nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped\_mahorat@umail.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinbosari:** Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

**Mas'ul kotib:** Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori*

*Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)*

*Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor*

*Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor*

*Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor*

*Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)*

*Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)*

*Belobrikin Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)*

*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)*

*Chuprova Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)*

*Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)*

*Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent ("Oliy iqtisodiyot maktabi" milliy tadqiqot universiteti (Rossiya))*

*Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*

*Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor*

*O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor*

*Axmedova Shoiri Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor*

*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*

*Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor*

*To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor*

*Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor*

*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor*

*Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor*

*Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor*

*Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent*

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

### Научно-теоретический и методический журнал

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решения ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раз в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

**Учредитель:** Бухарский государственный университет

**Адрес редакции:** Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped\_mahorat@umail.uz

#### РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

**Заместитель главного редактора:** Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

**Ответственный редактор:** Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

*Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук*

*Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор*

*Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*

*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*

*Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор*

*Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)*

*Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор*

*Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор*

*Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор*

*Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор*

*Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)*

*Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)*

*Белобрыкина Ольга Альфонсовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)*

*Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)*

*Чупров Леонид Федорович, кандидат психологических наук, профессор РАЕ (Абакан, Россия)*

*Козубцов Игорь Николаевич, кандидат технических наук, профессор РАЕ (Киев, Украина)*

*Сидорова Людмила Павловна, кандидат философских наук, доцент (Нижний Новгород, Россия)*

*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*

*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*

*Ураева Дармоний Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*

*Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор*

*Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*

*Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор*

*Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор*

*Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор*

*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*

*Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор*

*Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор*

*Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор*

*Каххаров Отабек Сиддикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент*

## PEDAGOGICAL SKILLS

### The scientific-theoretical and methodical journal

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.  
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

**Founder: Bukhara State University**

**Publish house:**Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.  
e-mail: ped\_mahorat@umail.uz

#### EDITORIAL BOARD:

**Chief Editor:** Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** Ph.D., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

*Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)*  
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov*  
*Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov*  
*Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov*  
*Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova*  
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)*  
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)*  
*Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)*  
*Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraine)*  
*Ph.D. of Psychology, As.prof. Leonid F. Chuprov (Abakan, Russia)*  
*Ph.D. of Technical sciences, As.prof. Igor N. Kozubsov (Kiev, Ukraine)*  
*Ph.D. of Philosophical science, As. prof. Lyudmila P. Sidorova (Russia)*  
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev*  
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov*  
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev*  
*Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva*  
*Ph.D. of Philology, Prof. Shoiran N. Akhmedova,*  
*Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev*  
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov*  
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev*  
*Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov*  
*Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev*  
*Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev*  
*Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov*  
*Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S. Kahhorov*

Машғулотларда намуна материаллардан фойдаланилаётганда ўқувчиларнинг тушунишлари ва тасаввур қилишлари осон кечиб уларнинг қизиқишлари ошади [2].

Тарқатма материаллар учун пинванд, стол, лототрон, уларни сақлаш қутилари керак бўлади. Ўқув услубий материаллар учун жавонлар ва стендлар керак бўлса, намуна материаллари учун шкафлар ва намойиш столлари керак бўлади.

Геометрик моделлар ўрганилаётган объектнинг геометрик хусусиятлари, яъни нисбий ўлчамлари, шакли ва геометрик элементлари тўғрисида маълумот беради. Масалан, ички ёнув двигатели цилиндри ва поршенининг геометрик модели унинг геометрик тузилиши, нисбий ўлчамлари тўғрисида маълумот беради.

Технологик машина ва жиҳозларнинг макетлари ёрдамида уларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва бажарадиган технологик операцияларни кўрсатишимиз мумкин. Масалан, пармалаш дастгоҳининг макетини оладиган бўлсак, унда дастгоҳнинг асосий элементлари: загатовкани маҳкамлаш столи, дастгоҳ корпуси, парма, электродвигател ва рейкадан ташкил топган бўлиши мумкин. Бино ва иншоотларнинг макетлари эса турли қоҳоналардаги бинолар ва иншоотларнинг тузилиши, жойлашиши ва бажарадиган вазифасини кўрсатиш учун мўлжалланган. Масалан, турар жой биносининг макети. Бундай макетларда бионинг элементлари, иншоотнинг тузилиши, қандай технологик машина ва жиҳозлардан иборатлиги, улар ўзаро қандай технологик операцияларни бажаришини кўрсатишимиз мумкин. Технологик жараёнларнинг макетлари эса энг мураккаб макетлар бўлиб, улар тўлиқ корхона тўғрисида маълумот берувчи бир мажмуий макетдир. Унинг таркибида турли моделлар, технологик машина ва жиҳозларнинг, ҳамда бино ва иншоотларнинг макетлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай макетлар ёрдамида корхонага хом-ашё келтирилишидан, маҳсулот ишлаб чиқарилгунгача бажариладиган технологик операциялар ёки борадиган жараёнлар имитация қилиниши мумкин. Натижада ўқувчиларда бу жараённи ўрганишга қизиқиш ортиб, уни тасаввур қилиш ва тушуниш осонлашади. Масалан концерва заводининг макетни оладиган бўлсак, бу макетда корхонанинг ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари кетма-кет технологик жараён асосида жойлаштириб чиқилган бўлади. Бундай макетларни ҳатто ҳаракатланувчан қилиб ҳам тайёрлаш мумкин. Умуман олганда бу макетлар ўқувчиларга касб маҳоратини ривожлантиришлариغا, маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида технологик операцияларнинг кетма-кетлигини бошқаришни ўрганишга катта ёрдам беради.

#### Адабиётлар

4. Бантова М.А., Бельтюкова Г.В., Полевщикова А.М. Методика преподавания математики в начальных классах. – М.: Просвещение, 1978.
5. Бикбаева Н.У., Сидельникова Р.И., Адамбекова Г.А. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Занков Л.В. и др. Обучение и развитие. – М.: Педагогика, 1995.

#### Улуғмурод АМОНОВ

Бухоро давлат университети  
филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори(PhD)  
бошланғич таълим назарияси  
кафедраси доценти

## АБДУРАУФ ФИТРАТ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

*Ушбу мақолада Абдурауф Фитратнинг XX аср бошларидаги ўзбек фольклоршунослигидаги ўрни ҳамда унинг фольклоршунос сифатидаги фаолияти ҳақида фикр юритилган.*

**Таянч сўзлар:** Абдурауф Фитрат, адабиёт тарихи, адабиёт, адабиётшунослик, фольклор, фольклоршунослик, “эл адабиёти”, фольклоризм.

*В данной статье подробно описаны формирование и развитие фольклористики в Бухаре, а также представлен отчёт о научных исследованиях в данной области, проведённых в Бухарском государственном университете.*

**Ключевые слова:** Абдурауф Фитрат, история литературы, литература, литературоведение, фольклор, фольклористика, «родная литература», фольклоризм.

*This article discusses Abdurauf Fitrat's activity as a folklorist and his place in the Uzbek folklore of the 20 th century of the Uzbek literature*

**Key words:** Abdurauf Fitrat, the history of literature, literature, literary criticism, folklore, “nation's literature”, folklorism.

Тил, адабиёт, фалсафа, тарих сингари қатор ижтимоий фанлар қатори фольклоршунослик фанининг оёққа туришида Фитратнинг хизматлари катта бўлди. Ўзбек фольклоршунослигининг шаклланишида ва унинг методологик асосларини белгилаб олишда Фитратнинг ўз ўрни бор.

Айтиш мумкинки, Фитрат XX аср ўзбек фольклоршунослигининг асосчиларидан биридир. Буни унинг фольклорга оид назарий қарашлари тўла тасдиқлай олади. Чунки Фитратнинг бу борада билдириб ўтган илмий ғоялари фольклоршунослигимизнинг кейинги босқичларида янада ривожлантирилди ҳамда унинг назарий асосларини, ўзига хос поэтик қонуниятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳатто Туркияда яшаётган ўзбек олими Темур Хўжа ўғли “Туркистон олими Абдурауф Фитратнинг туркология соҳасидаги унутилган асарлари” мақоласида “Фитратни том маънода таъриф этмак учун... бу сифатлардан бир қанчасини келтиришни маъқул биламиз: ислохотчи, сиёсатчи ва давлат арбоби, ношир, муҳаррир, публицист, хикоянавис, шоир, драматург, адабиёт тарихчиси, адабиёт танқидчиси, тилшунос, мусиқа тарихчиси, ф о л ь к л о р ш у н о с олимдир”, – деб ёзади.

Демак, Фитратнинг фольклоршунос сифатидаги фаолиятдан чет элларда ҳам хабардордирлар. Зеро, фольклоршунослик кенг қамровли, қомусий мерос соҳибининг фаолият қирраларидан биридир. Унинг адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, ҳуқуқшунос, мусиқашунос, элшунос, педагог олим сифатидаги фаолият қирралари шу кунгача маълум даражада ўрганилди. Бироқ буюк истеъдод соҳибининг фольклоршуносликка қўшган улушини ўрганиш ҳам зарур.

Фитрат ўзбек фольклорини яхлит тизим сифатида қараб, унга хос жанрларга алоқадор назарий муаммолар ҳақида дастлабки фикрларни илгари сурдики, булар кейинчалик тадқиқотчиларимиз учун дастуруламал вазифасини ўтади. Айниқса, унинг 1926 йилда адабиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлаб етиштириш учун яратилган “Адабиёт қондалари (адабиёт муаллимлари ва адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма)” деб номланувчи китоби бу жиҳатдан эътиборга сазовордир. 20-йиллар мутахассислари учун адабиётшуносликдан дарслик вазифасини ўтаган бу китобда ёзма адабиёт назарияси билан бир қаторда оғзаки адабиёт, яъни фольклор назариясига алоқадор тушунчалар ҳам берилган. Аҳамиятли томони шундаки, Фитратнинг бу борадаги қарашлари адабиётшунослик ва фольклоршунослик нуктаи назаридан бугунгача ўз кучини йўқотмай турибди.

Фитрат фольклорнинг ўзига хос хусусиятини очиб беришга уринар экан, у ҳақда: “ўзининг ёлғузгина самимийлиги билан ўзини сақлашга тиришқон бир адабиётимиз бор. Булар халқ орасидан чиққан, халққа, кўпчиликка қаратиб ёзган, сўйлаган шоирларимиз, бахшиларимизнинг асарларидир”, – дейди [3].

Эътибор қилинса, шу ўринда Фитрат “ёзган” феълени ишлатаётир. Ҳолбуки, фольклор асарлари оғзаки яратилган асарлар сифатида қаралади.

Фольклор асарлари ҳозирги ёш авлодга илдири узоқ замонларга бориб тақаладиган маданиятимизни, бадий ижод аънаналаримизни, элу юртимиз озодлиги ва эрки йўлида олиб борган курашларимизни билиб олиш баробарида ватанпарварлик ва бунёдкорлик туйғуси ажодларимизга мерос эканини тўла ҳис қилишларига ёрдам беради. Шу орқали ёшлар ўз юртида бадий эканини, ўзига хос муқаддас тарихи ва бетақдор аънаналари, миллий қадриятлари борлигини англайди. Шунининг илоҳоти олиб, жуда қадимдан олиму шоирлар эл адабиёти намуналарини алоҳида тўплаб ўрганишга аҳамият қаратиб келишган. Ҳатто кўпгина ижодкорлар яратаётган асарларининг халқ кўнглига тез етиб боришини кўзлаб, фольклор асарларига хос содда ифода шакли ва услубдан, аънавий эпик образ ва мотивлардан, ўйноқи ва сержило оҳангдан фойдаланиб, бетақдор фольклоризмларни яратишган.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакили, адабиётшунос олим, зуллисонайн шоир, носир ва драматург, ношир Абдурауф Фитрат эса айтилган ана шу икки жиҳатни ўз фаолиятида қўшиб олиб борганлиги билан эътиборни тортади.

Фитратда фольклорга ҳавас болалигиданоқ онасининг эл ичида машҳур қўшиқларни куйлаб бериши таъсирида уйғонди ва бу ҳавас унга умр бўйи ҳамроҳлик қилди. Фитрат, аввало, “эл адабиёти”га катта эътибор қаратиб, унинг табиати, жанрий тизими ва таркиби тўғрисида қимматли назарий қарашларни илгари сурди. Унинг бу борадаги қарашлари ўзбек фольклоршунослиги фанига тамал тоши қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, олимнинг фольклор асарларининг ёзма асарлардан фарқи, фольклорга хос специфик белгилар, ўзбек халқ қўшиқ жанри табиати хусусида билдирган улоҳазалари, фольклорнинг турли жанрларига муносабати ҳозиргача ўз илмий қимматини сақлаб келаётир.

Шунингдек, Фитратнинг фольклорга дахлдор билими у яратган бадий асарлар мисолида янада равшанлашади. Ижодкорнинг шеърларида, насрий ва драматик асарларида учрайдиган фольклоризмлар ўзига хос бетақдорлиги билан ажралиб туради.

Фитрат ўз даврида халқ ижодиётининг чуқур билимдонларидан бири сифатида унинг ҳормас-толмас тарғиботчисига айланди. У тузган “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928) хрестоматиясида биринчи марта эл адабиётидан намуналар келтирилган. Бироқ, ҳозиргача ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида Фитратнинг бу хизматлари маҳсус тадқиқ қилиниб, ўз ҳолис баҳосини олган эмас. Ҳолбуки, Фитратнинг ўзбек фольклори билимдони, тарғиботчиси ва тадқиқотчиси сифатидаги серқирра фаолиятини, унинг бадий ижодидаги фольклоризмларни алоҳида ўрганиш зарур. Чунки бу масала, аввало, фольклоризмлардан фойдаланиш бадий адабиёт тараққиётининг XX аср бошлари даврида қандай кечганлигини, унинг бу тадрижий босқичига хос хусусиятларни, қолаверса, Фитратнинг шеърда, насрда ва драматургияда фольклоризмлардан фойдаланишдаги услуб ва маҳоратини маҳсус билиб олишга ёрдам бериши жиҳатидан жуда муҳимдир.

Абдурауф Фитрат реалистик ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг асосчисигина эмас, балки кенг қамровли назарий олим сифатида адабиёт, мусиқа ва фольклорнинг қатор назарий муаммоларини ҳал қилишни мақсад қилиб, жуда катта натижаларга эришган эди. Унинг бу тўғридаги назарий қарашлари қатор



илмий рисолалар “Адабиёт қодалари”, “Аруз ҳақида” ҳамда мусиқага оид “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” каби асарларида ўз ифодасини топган. Бу асарларда мумтоз ва янги ўзбек адабиётининг қатор манбалари қатори халқ оғзаки ижодининг турли материалларига ҳам мурожаат қилиниб, уларга муносабат билдирилган, чунки халқ оғзаки ижоди ҳар бир халқ миллий маданиятининг муҳим бўлагидир. Шу нуқтаи назардан қараган Абдурауф Фитрат “Адабиёт қодалари” қўлланмасида халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ “Эл адабиёти” номли жажжигина тадқиқотини эълон қилди. Туркий халқларнинг оғзаки ижоди Абдурауф Фитратга қадар бир неча асрлар олдин Маҳмуд Қошғарий, Абулқосим Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Шариф Гулҳаний каби адибларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Улар халқ оғзаки ижодининг кўшиқ, марсия ва мақол жанрига оид намуналарини тўплаб, ўз асарларига киритишган. Шу билан бирга улар ҳақида баъзи назарий фикрларни ҳам билдириб ўтишган. Бу фольклоршунослигимизнинг ниҳоятда қадим сарчашмага эга эканлигининг далилидир. XX аср бошига келиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фольклор фан сифатида шаклланиган, халқ ижодиёти намуналарини тўплаш, уларни ўрганиш аллақачон бошланган эди. Бизда эса у фан сифатида шаклланиш нарида турсин, махсус тўплаш ишлари ҳали ҳам бошланмаган эди. Мана шу кемтиклик ҳассос Абдурауф Фитрат назаридан четда қолмади. Уни халқнинг оғзаки ижоди бор мафтункорлиги билан ўзига жалб этди. Шунинг учун қомусий олим томонидан ташкил этилган “Чиғатой гурунги” тўғрагининг асосий вазифаларидан бири фольклор материалларини тўплашдан иборат эди. Қрим-татар туркшуноси Бакрбек Чўпонзода (1893-1937) гурунчилар тутган йўлни қисқача шундай таърифлайди: “Чиғатой гурунги” чиғатой тилини қайта тиклаш шиори билан дунёга келиб, мавжуд ўзбек шеваларини ўрганишди... Шунингдек, юқорида айтилган фаолият билан бирга “Чиғатой гурунги” вакиллари ёш ёзувчи ва шоирларни тарбиялаш, фольклор материалларини йиғиш, оммабоп театрини ташкил этишдек ишларда ҳам фаоллик кўрсатдилар. Ўтган асрнинг 20-йилларида Абдурауф Фитрат жонқуярлиги ва даъвати билан халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш бошланди. Натижада ўнлаб халқ дostonлари, юзаб халқ эртақлари, кўшиқлар, лапарлар, топишмоқлар ва мақоллар ёзиб олинди. Шу асосда ўзбек фольклоршунослиги фан сифатида шаклланишга эришди. Tokyo universitetining professori Xisao Kumatsu ham “Chig‘atoy gurungi” maqolasida A. Fitratni ushbu adabiy to‘garakning tashkilotchisi sifatida, u jalb qilgan o‘z davrining iqtidorli yosh millatparvar olimlarning fan olamiga kirib kelishini, ular tomonidan “bosmachilik” – milliy ozodlik harakati borayotganligiga qaramay, folklor materiallarining yozib olinishni tashkil etagligini alohida e’tirof etadi.

Демак, Абдурауф Фитрат бу фаннинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган, унинг пойдеворига тамал тошини қўйганлардан биридир. Бироқ адиб фаолиятининг бу қирраси ҳали махсус ўрганилганича йўқ.

Мана юз йилдики, “Фольклор” деган савол атрофида кизгин баҳс боради. Рус фольклоршунослари масалани ҳийла ойдинлаштирган бўлсалар-да, баҳслар ҳали давом этмоқда. Янглишувлар аксарият “Фольклор” деб аталадиган воқеаликни турлича тушунишдан келиб чиқади. Илгари фольклор тушунчасига воқеликни қадимги замонларнинг урф-одатлари, маросимлари, иримлари, мақоллари қабилар киритилган. Кейинги даврларда фольклор объектини, тушунча доирасини белгилашда бир-бирига зид икки йўналиш (оқим) пайдо бўлди: бири – бутун халқ маданиятини фольклор деб қараб, тушунча доираси чегарасини ниҳоятда кенгайтириб юборди, иккинчиси – фольклор объектини фақат бадий сўзга оид асарлар билан чеклаб, тушунча доирасини ниҳоятда тарайтириб қўйди. Биринчи йўналиш фольклорни удумшунослик билан қориштириб юборса, иккинчиси уни фақат адабиётшунослик нуқтаи назаридан туриб талқин қилади. Икки йўналиш ҳам тўғри эмас, албатта. Сўнги йилларда фольклорни “Халқ санъати”, “Халқ ижоди”, “Халқ оғзаки ижоди” – деб таърифлаш бошланди. Рус фольклоршуносларининг фикрича, “Халқ санъати” тушунчаси фольклор моҳиятини тўғри ва тўлиқ ифода қилар экан. Улар шунда ҳам фольклор бутун халқ санъатини эмас (масалан, халқ амалий декоратив санъати бунга кирмайди), балки фольклоршунослик В.Е.Гусев таърифи билан айтганда, халқ санъатининг борлиқни жамоа халқ ижодининг сўз – мусиқий – хореографик ва драматик шаклларида бадий акс эттирувчи қисмидир [2]. Бошқача қилиб айтганда, рус фольклоршунослари фольклоршунослик фан сифатида халқнинг бадий ижодигина эмас, балки халқ мусиқа ижоди ва халқ томоша санъати (халқ театрлари, ракс сингари) ни ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Абдурауф Фитрат ҳодисани “эл адабиёти” истилоҳи билан номлайди ҳамда унинг эстетик моҳиятини очишга уришиб, қатор хусусиятларини ўша замондаёқ тўғри ва аниқ ифодалашга муваффақ бўлган. Тўғри, XX аср бошларида халқ оғзаки бадий ижодини ифодаловчи ягона истилоҳ ҳам бўлмаган ва ҳодиса “халқ адабиёти”, “омма адабиёти”, “халқ ижоди”, “эл ижоди” сингари хилма-хил истилоҳлар билан аталаётганда, Абдурауф Фитрат томонидан унинг “эл адабиёти” атамаси билан ифодалангани қайдаражададир унинг ҳодисага ўзига хос ёндашганини кўрсатса-да, бу истилоҳда маълум кемтиклик бор эди. Зеро, “эл адабиёти” истилоҳи кенг маънода бўлиб, умуман, адабиётни, шу жумладан, ёзма адабиётни ҳам англатар, бироқ фольклорнинг оғзакилигини ифода эта олмаслиги туфайли халқ оғзаки поэтик ижодига тенг эквивалент бўла олмас эди. Олимнинг ёзма адабиёт ва эл адабиёти чегарасини, яъни объектини аниқ белгилаб бергани халқ оғзаки поэтик ижодининг ҳозирда ифодалидиган тушунча доирасига ҳамоханг келиши билан аҳамиятлидир.

Абдурауф Фитрат бу масалага ўз муносабатини билдира туриб, оғзаки ва ёзма адабиётларнинг ўзаро тафовутли хусусиятларига тўхталаркан, «бунинг айирмаси ёзма бўлмаслигида, ё эгасининг маълум эмаслигини»ни таъкидлаб, «ҳар бир дoston, мақол, топишмоқ, ашула, асосан, бир киши томонидан чиқориладир-да, сўнгра умумийлашиб кетадир», – дея фольклор асари ҳам индивидуал ижоддан бошланажиги, сўнгра «умумийлашиб» жамоа ижоди маҳсулига айланишига ишора қилади. Шу билан бирга у фольклорнинг асл моҳиятини халқона руҳга суғорилганлигида кўради: «...эл адабиётини «адабиёт»дан (тор санъаткорона адабиётдан) айирғон нарса, унинг ёзилмаганлиги эмас, унинг РУҲИДИР. У соддадир, табиийдир,

кўпчиликнинг завқига ярарликдир!» [1] Шу маънода фольклор бетимсол оғзаки бадий – маънавий бойлик ижодкори бўлган халқнинг ўзи ҳақидаги фандир.

Абдурауф Фитратнинг фольклор ва фольклоршунослик фани соҳасидаги фаолиятини, назарий қарашларини, қолаверса, адибнинг бадий ижодига халқ оғзаки ижодининг таъсири масаласини ўрганиш адабиётшуносларнинг олдида турган вазифалардан биридир.

#### Адабиётлар

1. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. - Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.82-83.
2. Гусев Е.В. Эстетика фольклора. – Л.: Наука, 1967. – С.8.
3. Фитрат А. Шеър ва шоирлик. Адабий муҳофиза. ТА. IY жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Т.: Маънавият, 2006. – Б.20.

**Mohichehra RO'ZIYEVA**

Buxoro davlat universiteti  
boshlang'ich ta'lim nazariyasi  
kafedrası dotsenti,  
filologiya fanlari bo'yicha  
falsafa doktori (PhD)

### **ADABIYOT DARSLARIDA XALQ OG'ZAKI IJODI JANRLARINI O'TISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH**

*Maqolada adabiyot darslarini o'qitishda innovatsion texnologiyalarning o'rni xususida fikr bildirilgan. Xalq janrlarini o'quvchilarga o'rgatishda texnik vositalar, video darslar, "O'yinchoqlar yordamida dars o'tish", "Eureka" (O'ylab top); "Rolli o'yinlar" kabi innovatsion texnologiyalardan foydalanish yo'llari misollar asosida ko'rsatib berilgan.*

**Таянч иборалар:** инновация, технология, халқ оғзаки ижоди, адабиёт дарси.

*В статье рассматривается роль инновационных технологий в преподавании литературы. Методики, видеуроки по обучению студентов народным жанрам, «Обучение игрушками», «Эврика» (Think); Есть примеры способов использования инновационных технологий, таких как ролевые игры.*

**Ключевые слова:** инновация, технология, фольклор, урок литературы.

*The article discusses the role of innovative technologies in teaching literature. Methods, video lessons on teaching students of folk genres, "Learning with toys", "Eureka" (Think); There are examples of ways to use innovative technologies, such as role-playing games.*

**Keywords:** innovation, technology, folklore, literature lesson.

O'zining maftunkor sehri, tuganmas shukuhi, dilni rom etuvchi jozibasi bilan hamisha qanotlanib turuvchi xalq ertaklari inson xayolotining mevasidir. Kishilar o'z qismatining chigalliklarini yechishdan ojiz qolgan chog'larda, ertak uni nurli qanotlarida umidli manzillarga ko'tarib o'tgan. Bashariyat hali zulmat qo'ynida najot yo'llarini qidirib, asrlar mobaynida kimsasiz taqdir so'qmoqlarida tentirab yurgan onlarda ertaklar uni xayolot qanotida ziyobaxsh sohillarga eltgan. Bir so'z bilan aytganda, ertak insoniyatning beg'ubor bolaligi yetishtirgan samaradir. Binobarin, uning ta'rif-u tavsifiga til ojiz, qalam — behol.

O'zbek xalqining asarlar davomida yaratgan og'zaki so'z san'ati namunalari milliy madaniyatimizning tarkibiy qismi hisoblanadi. Har bir xalqning yuksak idealini aks ettiruvchi og'zaki ijodi bo'lgandek, o'zbek xalqi ham qadimiy tarixga boy va rang-barang og'zaki adabiyot durdonalariga ega bo'lgan xalqlardandir.

Xalq ommasi tomonidan yaratilib, uning talantli vakillari ijrosida sayqal topib, avloddan-avlodga o'tib kelayotgan afsona va rivoyatlar, maqollar va matallar, olqish va duolar, topishmoq va qo'shiqlar, latifa va naqlar, ertak va dostonlar o'zbek halq og'zaki ijodini tashkil qiladi.

Xalq yaratgan asarlar o'z navbatida qadimgi o'zbek halqining e'tiqodi va dunyoqarashini o'rganishda, folklor namunalari ilgari surilgan ilg'or g'oyalar umuminsoniy ahamiyatga ega bo'lgan qadiryatlarni bilib olishda asl manba bo'lib xizmat qiladi. Hozirda ta'lim-tarbiya tizimida asl milliy qadiryatlarga tayanish tobora qaror topib bormoqda va ko'ngil tarbiyasiga, ya'ni inson ma'naviyatini shakllantirishga birlamchi vazifa sifatida yondashish ustuvor bo'lib bormoqda. Buning uchun o'z kuchi, salohiyatiga ishonadigan, boqimandalikni or deb biladigan, eng rivojlangan mamlakatlarning ilg'or kishilari bilan teppa-teng muomala qila oladigan, oqni qoradan, yaxshini yomondan ajrata oladigan, bu murakkab hayotning past-u baland, chang-u tor ko'charidan Alloh bergan aql-zakovati bilan to'g'ri yo'lni topa olishga qodir bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalash bugungi pedagogning bosh maqsadi bo'lmog'i darkor. Bugungi tez o'zgaruvchan iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy hayot talaba yoshlar dunyoqarashini shakllantirish yangi pedagogik interfaol metodlardan keng foydalanishni taqozo qiladi. An'anaviy mashg'ulotlar olib borish asta sekin o'z o'rnini intensiv va interfaol metodlarga, noan'anaviy dars o'tish ishlariga bo'shatib bermoqda.



бешта. Шу усул билан беш сони таркибининг мумкин бўлган ҳамма вариантлари олинади: тўрт ва бир, уч ва икки, икки ва уч, бир ва тўрт.

Болаларни математика асослари билан таништиришда шуни эсда тутиш керакки, математика — фақат сонлар ҳақидаги фан эмас. Болаларнинг ақлий ривожланишида ўлчаш билан таништириш катта аҳамиятга эга. Биз кундалик ҳаётимизда ўлчаш заруратига жуда кўп дуч келамиз. Бу вазиятлардан болалар ўқитишда фойдаланиш керак.

Ҳар бир оилада шундай вазиятлар бўладики, уйда бир нарсани суриш, мебеллар ўрнини алмаштириш ёки янги мебель сотиб олиш зарур бўлади. Шу моментлардан ҳам болага ўлчашни ўргатишда фойдаланиш керак. «Жавон биз суриб қўймоқчи бўлган жойга сиғадими? Буни қандай билиш мумкин?» каби саволлар болани амалий масалаларни ечиш заруратига дуч келтиради, унинг ақлий фаолиятини уйғотади, қўйилган вазифанинг энг рационал ечилишини излашга мажбур қилади. Шунга ўхшаш вазиятларда болани мулоҳаза юритишга ундаш муҳимдир. Агар бола тўғри ечимни топа олмаса, ўзига-ўзи қарши бориб, қарама-қарши мулоҳазаларни айтса, ота-оналар ноумид бўлмасликлари керак. Товуш чиқариб мулоҳаза юритиш билан мантикий фикр айтишга энг содда хулосалар чиқаришга ўргатилади. Бунда катталар сабр қилиб туришлари, болага айтиб бермасликлари, унинг «кашфиёт қилиши»га имкон беришлари керак.


Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўлчаш билан таништириш учун жуда кўп вазият ўйлаб топиш мумкин. Фаолиятнинг бу тури ҳар доим кизиқарли бўлади.

Болаларни бутун буюмни бир неча тенг қисмга бўлишга ўргатиш нарсалар ва ходисалардаги бевосита идрок қилиш учун ошкор бўлмаган бир қатор қонуниятларни аниқлаштиришга замин яратади. Мантикий тафаккурни, сабаб-оқибат боғланишларини топиш малакасини шакллантириш, натижага қараб бошланғич маълумотлар ҳақида ҳукм чиқариш, бутун билан қисм орасидаги нисбатни тушуниш имконини беради.

Турмушда биз ниманидир бўлиш заруратига жуда кўп дуч келамиз. Болаларни шунга ўргатиш керак. Болага олдин буюмларни тенг иккита, тўртта, саккизта қисмга бўлишни кўрсатишни тавсия қиламиз. Ота-оналарнинг ўзлари болани буюмни бўлиш заруратига дучор қиладиган вазиятни топишлари мумкин. Масалан, боланинг олдида ўртоғи меҳмон бўлиб келди, уни олма билан сийлаш керак, аммо олма битта. Нима қилмоқ керак? Болалар нималар дейишларини тинглаш қизиқ. Баъзида улар олмани орқага беркитиб туришни маслаҳат беришади. Олма қайси қўлда эканини ким топса, олма ана ўшанга тегади. Ёки тезгина бориб магазиндан яна битта олма сотиб олишни таклиф қилишади. Сиз бу таклифларни болалар хафа бўлмайдиган қилиб йўққа чиқариб, бошқа ечим топишни сўрайсиз. Ниҳоят, болалар олмани бўлиш керак, деган ечимни топадилар. Қўпинча улар «Бўлиш керак» дейишади-ю, аммо тенг қисмларга бўлиш керак, деб қўшимча қилишмайди. Сиз ҳар хил бўлиш (тенгмас қисмларга ҳам бўлиш мумкин-ку) мумкинлигини тушунтиришингиз керак, бизга эса иккита тенг қисмга бўлиш керак. Шундан кейин сиз олмани аниқ қилиб бўласиз, иккала қисмни таққослайсиз, улар тенг, бир хил эканини айтасиз: «Иккита тенг бўлакча, иккита тенг қисм». Қуйида элементар математик тасавурларни шакллантиришда болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида фойдаланиладиган баъзи топшириқларни келтираемиз.

Ўлчамлари, ҳамда ранглари билан фарқланувчи доиралар ҳамда квадратдан иборат геометрик шакллар тўплами тасвирланган кўرғазмани болаларга кўрсатиб қуйидаги топшириқни бериш мумкин:

1-топшириқ: Ушбу тўпламда қайси шакл ортиқчаллигини аниқланг. (жавоб: квадрат). Нима учун? (қолган барчаси - доиралар).



Топшириқ: Барча доираларни икки гуруҳга ажратинг. Нимага шундай ажратилганлигини тушунтиринг (жавоб: ранг бўйича 3 та кўк, иккита яшил, ўлчовлари бўйича-иккита катта ва учта кичик доиралар).

Тарбиячининг асосий вазифаси — ота-оналарнинг болалар тасаввурини формал, ривожлантиришларининг олдини олиш ва болани ўқитишдаги асосий нарса бериладиган билимлар ҳажми эмас, балки ўқитиш натижасида олинadиган ривожлантирувчи самара эканини кўрсатишдан иборат.

### Адабиётлар

1. Раҳмонқулова З., Қурбонова Н. Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларини шакллантириш. Методик қўлланма. 2009.

3. Жалолова Г. Қ. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш. Методик тавсия. Тошкент, 2004.

**МУНДАРИЖА**

Обиджон ХАФИЗОВ. Минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг долзарблиги ва унинг сифатини таъминлаш.....	5
Gulnoz HASANOVA. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil etish va o'tkazishda ta'limiy metodlarni qo'llash.....	9
Мавжуда НИГМАТОВА. Имом Абу Ҳомид Ғаззолий илм ўргатувчи фазилятлари ҳақида.....	11
Гулмира КАМИЛОВА, Гузал КУРБОНОВА. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда маънавий экологик онгни шакллантиришда халқ топишмоқларининг аҳамияти.....	15
Дилфуза МИРЗАЕВА, Гулзода ЭРҒАШОВА, Развитие речи детей дошкольного возраста.....	19
Саломат ЖЎРАЕВА. Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантириш.....	21
Дилдора ДУСТОВА. Психологические особенности развития креативного мышления учащихся в учебной деятельности.....	24
Нозима САЙФУЛЛАЕВА. Boshlang'ich sinflarda masala yechishga o'rgatish.....	27
Муяссар БОБОЕВА. Дидактик воситалар таълим самарадорлигини таъминлаш омили сифатида.....	33
Улуғмурод АМОНОВ. Абдурауф Фитрат ва ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш омиллари.....	35
Mohichehra RO'ZIYEVA. Adabiyot darslarida xalq og'zaki ijodi janrlarini o'tishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish.....	38
Дилдора АХМЕДОВА, Н. ҚЎШАЕВА. Эргаш Жуманбулбул дostonлари матнида қўлланган антропонимлар.....	41
Алижон ҲАМРОЕВ. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг самарадорлиги.....	46
Адиба Бахронова. Бошланғич синфларда гендер муносабатлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.....	52
Малика Ҳайдарова. Бошланғич синф технология дарсларини ташкил этишда табиий материаллардан фойдаланиш.....	56
Собиржон ИСМАТОВ. Бошланғич синф она тили дарсларида синтактик машқлар устида ишлаш.....	59
Дилдора ОМОНОВА. Бошланғич синф она тили таълимида мустақил ишларни ташкил этиш.....	61
Махфуза САДУЛЛАЕВА. Сущность педагогической категории «взаимодействие» в гуманистической педагогике.....	63
Юлдуз ПУЛОТОВА. Она тили ва ўқиш дарсларини интеграциялашда ахборот-ресурслардан фойдаланиш.....	69
Айсулу ЭМБЕРГЕНОВА. Лойиҳалаштириш – инглиз тили дарслари самарадорлигини оширишнинг муҳим белгиси.....	72
Саодат ҚОДИРОВА. Миразиз Аъзамнинг эртақнавислик маҳорати.....	75
Шоира БАБАЕВА, Наталья РОЗИКОВА, Применение кейс-технологий при обучении русскому языку как иностранному.....	79
Rustam QO'LDOSHEV, Xalq ertaklarining janriy xususiyati va ularning o'qish kitoblaridagi o'ziga xos o'rni.....	83
Рўзикул ЖУМАЕВ, Жой номларининг таркибий таҳлил усуллари.....	87
Yulduz NUROVA, 4-sinf ona tili darslarida produktiv xarakterdagi mashqlar ustida ishlash.....	89
Нафиса ҲАМРОЕВА, Миразиз Аъзам шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	92
Gulbahor AKRAMOVA, Surayo AKRAMOVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilimini baholashda xorijiy tajriba "pirls"ning mohiyati.....	95
Матлуба АКРАМОВА. Педагогнинг инновацион фаолияти – таълим сифати ва самарадорлиги омили.....	98
Дилноза НАРЗИҚУЛОВА. Оилада ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	101
Мухаммад ФАЙЗУЛЛАЕВ, Дилноза НОСИРОВА, Зарина АЗАДОВА. Креативно-творческий анализ персонажей детских сказок о животных.....	103
Рўзикул ЖУМАЕВ. Садриддин Айнийнинг Одина қиссасида ном қўйиш санъати.....	106
Зулайхо РЎЗИЕВА. Бошланғич таълимда математика фанини ўқитиш методлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари.....	109
Нигора ТУРДИЕВА. Таълим жараёнида фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг психологик-педагогик асослари.....	111
Рухсора ХАЛИЛОВА. Повышение культуры речи будущего учителя как педагогическая проблема.....	114
Меҳринисо ҲАКИМОВА. Мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлашнинг педагогик тизими.....	117
Мухайё БАЙБАЕВА. Педагогик жамоада низоли вазиятларни олдини олишда мулоқот маданияти.....	122
Зулфизар АЗИЗОВА. Эртақлар – тарбия воситаси сифатида.....	124
Шолпан АЛЛАНАЗАРОВА. Шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларда ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш усуллари.....	128
Дилшод ГАЙПОВ. Эвристик ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методлар орасидаги узвийлик ва узлуksизлик.....	130
Зулайхо ЖУРАЕВА. Технология таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш....	134
Сардорбек ШАРИФЗОДА. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашув.....	137